



Маҳалла

ЧОРШАНБА

2014 йил 27 август,
№71 (1038)

www.mahallagz.uz info@mahallagz.uz

Мукофот муборак!

Истиқлол айёми арафасида Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йнгирма уч йиллиги муносабати билан давлат хизматчилари ҳамда ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иқтисодий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги ҳамда «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йнгирма уч йиллиги муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, муҳофаа ва фавқулодда вазиятлар вазириликлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонлари эълон қилинган юртдошларимиз қалбиди байрамона кайфиятга ўзгача шукӯх бахш этди.

Қувонарлиси, мукофотланганлар орасида самарали меҳнати ва эришган ютуқлари билан мамлакатимизнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш ҳамда иқтисодий қудратини оширишга, ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашга қўшган катта ҳиссаси, меҳнатсеварлиги, ватанпарварлиги, жамоат ишларидаги фаоллиги билан умумхалқ иззат-ҳурматига сазовор бўлган ҳамда тинчликни таъминлаш, барқарорлик ва жамоат тартибини мустаҳкамлашда мардлик, жасорат ва фидойилик кўрсатган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаоллари ҳам кўпчилиги ташкил этади. Бундай юксак эътибор ва рағбат соҳа ходимларини янги марраларга ундаши шубҳасиз.

«Эл-юрт ҳурмати» ордени билан

Қулдашева Матлубахон — Қўрғонтепа туманидаги «Маъмуробод» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Андижон вилояти

Қурбанова Санам Худайназаровна — Қумқўрғон туманидаги «Имомтепа» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Сурхондарё вилояти

Фарманова Нарпаша — Ховос туманидаги «Оқчангал» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Сирдарё вилояти

Шарипова Мавжуда Адизовна — Қизилтепа туманидаги «Оқмаңит» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Навоий вилояти

«Фидокорона хизматлари учун» ордени билан

Раимов Исмаилов — Шўрчи туманидаги «Шўрчи» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси, Сурхондарё вилояти

> [2]

МАСЛАҲАТЧИ ФАОЛИЯТИДАН

Вазифа масъулияти шарафидан кам эмас

Бугун фуқаролар йиғинида фаолият юритаётган ҳар бир ходимнинг, жумладан, фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчисининг ўз вазифаси, зиммасига юкланган масъулияти бор.

■ И. РАҲМАТОВ «Mahalla»

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони билан ташкил этилган мазкур лавозимда ўн йилдан бери фаолият юритиб келаятган жонқуяр, фидойи ходимлар эришган ютуқлар бугун мақтовга аризилик.

— Кейинги йилларда юртимизда буй кўрсатаётган ўзгаришлар вилоят, туман марказидан анча олис ҳудуддаги маҳаллаларда ҳам намён бўлаётди, — дейди Чортоқ туманидаги «Ҳазратишоҳ» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, «Шухрат» медали соҳибаси Муқаддам Олпоқова.

— Энг асосийси, бугун одамларнинг кайфияти ўзгача, тинч-осуда ҳаётга шукрона келтириб, яратувчанлик иштиёқида астойдил меҳнат қилмоқдалар.

> [2]

АВГУСТ ОЙИ — ҲОСИЛГА ҲОСИЛ ҚўШАДИГАН ДАВР

Дехқон тажрибаси ҳосил ривожидида синалади



Мирзаобод туманидаги «Моҳитобон Нур» фермер хўжалиги бир неча йиллардан бери вилоятда илгорлар қаторидан ўрин эгаллаб келаётди.

■ Т. ҲАЙИТБОЕВ «Mahalla»

Мана, уч йилдирки мазкур хўжалик раҳбари Уктам Ҳакимов ҳудудда «илгор фермер» номи билан машҳур. Хўжалик экин майдонлари кучли шўрланган ҳудудда жойлашган бўлса-да, дехқонларнинг самарали меҳнати билан йилига 40-42 центнердан ҳосил кўтаришга муваффақ бўлинмоқда.

Уктам Ҳакимовнинг суяги дехқончиликда қотган. Чорак асрдан ошдики, унинг тажри-

ИСТИҚЛОЛ ШУКУҲИ



Энг улуғ, энг азиз ва энг қадрли

Пойтахтимизнинг Учтепа туманидаги «Катта Қаъни» маҳалласи ташаббуси билан «Ягонасан, муқаддас Ватаним, сеvgи ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» шiori остида байрам тадбири ташкил этилди.

■ С. МАХСУМОВА «Mahalla»

Фонднинг туман бўлини маси мутахассислари, маҳалла фаоллари, нурунийлар ва ўқувчилар иштирокидаги тадбирда муста-

— Мустақиллик байрамини муносиб кутиб олиш мақсадида ободонлаштириш ва тозалик ойлиги доирасидаги тадбирлар уюшқоқлик билан ўтказилаётди, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Абдукарим Паттохов.

— Хусусан, аҳоли тураржойлари, кўча ва хиёбанлар, болалар майдончалари тартибга келтирилмоқда. Бундай хайрли юмушлар халқимизга хос ҳамжихатлик, меҳр-оқибат, саҳо-

ват каби юксак фазилатларни аҳоли ўртасида тарғиб қилишда муҳим омил бўлаётди.

Тадбирда маҳалланинг истеъдодли ёшлари томонидан ижро этилган куй-қўшиқлар йиғилганларга хушайфият улашди.

Энг улуғ, энг азиз байрамимизнинг кутлуг йнгирма уч йиллигига бағишланган байрам тадбирлари республикамиз маҳаллаларида кўтаринки руҳда нишонланмоқда.

МАҲАЛЛА: БУГУН ВА ЭРТАГА

Чирокчида чирой очаётган гузарлар

Мустақиллик йилларида ушбу ноёб жамоат институтининг нуфузи ошиб, чинакам кадрятлар масканига айлана бошлади. Одамларнинг турмуш тарзи, хонадонлардаги маънавий муҳит маҳаллаларда ойнадек ўз ифодасини топгани сайин бу тузилмага алоҳида эътибор қаратилди. Шу боис маҳалла фаолларига янада кўпроқ имконият берилиб, унинг ҳуқуқ ва ваколатлари кенгайтирилди.

■ С. БОЙМУРОВА «Mahalla»

Бугун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари зиммасига кўплаб вазифалар юклатилган. Шу боис уларнинг моддий-техник базаси такомиллаштирилмоқда.

Биргина Қашқадарё вилояти мисолида оладиган бўлсак, 644 та фуқаролар йиғинининг 442 таси ўз балансидаги бинога эга. Қолганлари ҳам мослаштирилган билноларда жойлашган бўлиб, фао-

лият юритиш учун барча шарт-шароит яратилган. 274 та фуқаролар йиғини замонавий мебель жиҳозлари билан таъминланди, 606 таси компьютер жамланмаларига эга.

Чирокчи туманида 4 та маҳалла гузари яратилган. 65 та фуқаролар йиғинининг ҳаммаси компьютер жамланмалари билан таъминланган. Ҳатто туман марказидан 60 километр узоқдаги тоғли ҳудудда жойлашган Лангар қишлоқ фуқаролар йиғини бино-

си ҳам замонавий мебель жиҳозлари ва компьютер жамланмасига эга. Аҳоли бирор муаммоси бўлса, фуқаролар йиғинини четлаб бошқа жойга мурожаат қилмайди. Шу пайтгача фуқароларнинг бирорта мурожаати эътиборсиз қолдирилмаган. Мисол учун

Лангар қишлоғидаги 7-8 км. йўл таъмирталаб бўлиб қолганди. Фуқаролар йиғини раиси Исмоил Муҳаммадиевнинг саъй-ҳаракатлари билан муаммо ҳал этилди: туман йўл қурилиш корхонаси кўмағида асфальтланди.

> [2]



ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ

Ўз боғини кўқартирган элда кадр топади

Истиқлол туфайли дунё Ўзбекистонни таниди, диёримиз жаҳонга юз тутди. Бир пайтлар тақа-тақ беркитилган йўллар очилди: юртдошларимиз исталган хорижий давлатга иш, ўқини, зиёрат, саёҳат ёки даволаниш мақсадида бемалол чиқиб-кириш имконига эга бўлдилар.

■ Ф. КОМРОН.

Бугун улкамизнинг Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хива сингари шаҳарлари кўчаларида кўҳна ва навқирон юртимиз манзараларидан олган хайрати ва завқини яширолмаб юрган саф-саф сайёҳларни қуриш қанчалик одадий бўлса, республикамиз фуқароларини дунёнинг йирки шаҳарлари — Амстердам, Нью-Йорк, Лондон, Дехли, Пекин, Токио, Сеул, Истанбул, Париж ва ё Римда учратиш ҳам худди шундай табиий ҳолга айланди.

гап мазкур жараёнларнинг нақадар қонунийлигида. Бу ўринда гап меҳнат миграцияси хусусида бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги бу борда мувофиқлаштирувчи орган саналади. Мазкур агентлик хорижий давлатларнинг турдош идоралари билан тузилган меморандум асосида талабгорларни тегишли куриб ва синов натижаларига кура чет элга ишга юборади. Ушбу давлат ташкилоти хизматидан фойдаланиб, хорижда меҳнат қилаётган юртдошларимиз оз эмас. Уларнинг тиббий суғуртаси қафолатланган, яшаш ва иш шартлоллари рисоладагидек.

> [3]

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ўн бешинчи ялпи мажлисининг очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн бешинчи ялпи мажлиси 2014 йил 28 август куни эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари 2014 йил 27 август куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойеида рўйхатга олинади.

«ОТА-ОНАЛАР УНИВЕРСИТЕТИ»

Тарбияда маърифий ва таъсирчан тузилма

■ Бек НАЗАР «Mahalla»

— Баъзи масалаларда киши ўз фарзанди билан қандай муносабатда бўлишга ўйланиб қолиши мумкин, — дейди Жиззах шаҳридаги «Халқобод» маҳалла фуқаролар йиғини ҳузурда ташкил этилган «Ота-оналар университети» машғулот иштирокчиларидан Эркин Азимов. — Ўғлим компьютерни мендан яхши билади, интернетдан бемалол фойдаланади. Бизнинг болалик давримизда буларнинг бирортаси бўлмаган. Бугун болаларнинг билим савияси тубдан ўзгараётди. Баъзан уларга йўл-йўриқ кўрсатишга ҳам иккиланиб қоласан киши.

— Фарзандларнинг маъна ва жисмонан баркамол бўлиб воёга етишлари ота-оналарнинг билим даражасига, саводхонлигига боғлиқ, — дейди «Ота-оналар университети» раҳбари, тажрибали педагог Асқар Мўминов. — Маҳалладаги университетни ташкил этишдан мақсад ота-оналарнинг маънавий, ҳуқуқий, иқтисодий билимларини ошириш, уларнинг бола тарбиясида таълим муассасаси ва жамоатчилик билан ҳамкорлигини мустаҳкамлашдан иборат.

> [4]

КОМИССИЯЛАР ФАОЛИЯТИДАН

Покиза ҳовлида хосият кўп бўлади

Ободликни кўнглидан бошлашга одатланганмиз. Таъбир жоиз бўлса, ободлик ҳар бир инсоннинг ўзи яшаб турган ўйиндан, маҳалласидан бошланади. Тўғрироғи, дилдаги ободлик уй-остонанинг, маҳалла-қўйининг қиёфасида акс этади.

■ Холбиби САФАРОВА «Mahalla»

Юртимизда маҳалла институтини ривожлантириш, миллий кадрятларимизни асраб-авайлаш ва янада бойитиш борасида амалга оширилаётган кенг қўлланма ислохотлар инсон манфаатларини таъминлашга хизмат қилмоқда. Бунинг амалдаги самаралари юртимиздаги ҳар бир маҳалла ҳудудини, тураржойларини тоза сақлаш, йўллар ва кўчалар озодлигини таъминлаш мақсадидаги саъй-ҳаракатларда намён бўлаётди.

Вазирлар Маҳкамаси фармойишига биноан август мамлакатимизда ободонлаштириш ва тозалик ойлиги, деб эълон қилинди. Унга мувофиқ юртимизнинг барча ҳудудда ободонлаштириш ишлари уюшқоқлик билан давом этмоқда.

> [4]



«ОТА-ОНАЛАР УНИВЕРСИТЕТИ»

Тарбияда маърифий ва таъсирчан тузилма

< [1]

Худуддаги 25-умумтаълим мактабда 750 нафар ўқувчи таълим оляпти. Маҳалладаги «Ота-оналар университети» аъзолари таълим муассасасининг педагогик жамоаси билан ҳамкорлик қилиб келаётди. Хусусан, университет машғулотларининг иш режасини тузишда, уларни ўтказишда таърибли педагоглар билан бамаслаҳат иш юритилмоқда. Университет аъзоларининг аксарияти мактаб ўқитувчилари.

«Ота-оналар университети» ўз номи билан оила бошлиқларининг билимини оширишга йўналтирилган жамоатчилик асосидаги маърифий тузилма бўлгани учун унинг таркибини шакллантириш, иш режасини ишлаб чиқиш катта масъулият талаб этади, — дейди йигининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Гулчеҳра Носирова. — Шу боис университет кенгаши таркибини шакллантиришда аъзоларнинг мутахассислиги, билимлари инобатга олинди. Қолаверса, улар ўртасида вазифалар шундай тақсимланганки, тўққиз кишидан бирортаси бошқасининг ишини такрорламайди. Бу, ўз навбати-



да, уларнинг масъулиятини ошириб, уларнинг масъулиятини ошириб. Хозиргача университетда ўтказилган машғулотларда мавзулар хайъти мисоллар ва амалий аҳамиятга молик масалалар воқеасида муҳокама қилинди. Масалан, ўтган ойда ҳудуд профилактика инспектори Сайдали Яхшиев ўтказган «Ёшларни маънавий хуружлардан ҳимоя қи-

Ўқинг, бу қизиқ!

Тут туПРОҚ танлайдими?

Узоқ йўл босиб келаётган нуроний тамадди қилиб, бироз хордиқ чиқариш учун четга ўтиб, сояга чўккалади. Қўлидаги ясама асо — новдани ерга сўқиб, сафархалтасидаги егуликдан татиғач, қуш уйқуси билан чарчовини ёзди. Орадан вақт ўтча, бирмунча дадиллашган қария хассани унутганча яна йўлга отланди. Келаси баҳор эса ерга сўқилганча қолган ўша новда қуртақ ёзиб, кўклаб кетди.



■ Фарход ҚОДИРОВ «Mahalla»

Туракўрғон туманидаги бир неча юз ёшлик тут дарахти тарихини ана шундай ривоят билан боғлашди. Айланасига уч-тўрт кишининг қулчи зўрга етадиган бу мўъжиза — дарахт танаси буралиб-буралиб ўсгани боис унга Бураматут номи берилган. Дарахт ҳозир ҳам мева солади. Ҳар баҳор унинг ости болалар билан тўлиб-тошади. Аҳоли имкон қадар тутни асраб-авайлайди. Шу маҳалла, ҳатто қишлоқ номи ҳам «Бураматут».

— Тарихий манбаларда қайд этилишича, Бураматут аҳоли маскани сифатида бундан 850 йил аввал маълум бўлган, — дейди қишлоқ фуқаролар йигини раиси Абдуназар Дехқонов. — Номи илгаридан шундай юрилади. Ривоятнинг ҳаётга қанчалик мослигини билмадигу, лекин унинг замирида бир ҳақиқат бор: бизнинг ерларга экилган ҳар қандай кўчат, албатта, кўкаради, яхши ҳосил беради. Шу боис ҳудудимизда боддорчилик анча ривожланган. «Бураматут» маҳалласида эса аҳоли томорқаларида гилоснинг энг харидорғи навлари парваришланади. Бу борада катта таъриб мактаби яратган Усмонжон Исмоилов, Абдужаббор Мирзақаримов, Жаббарали Акбаров оилалари ҳар йили 4-5 сотих ердан 10-15 миллион сўмгача даромад олишапти.

Таъкидлаш жоизки, тут дарахти билан боғлиқ ҳудуд номлари Наманган вилоятида яна учрайди. Хусусан, Уйчи ҳамда Поп туманларида Яккатут қишлоқлари бор. Эътиборлиси, уларда ҳам узоқ йиллик тут дарахтлари мавжуд. Бу ерлари анча ҳосилдор, боддорчиликка мос бўлган жойларда тут дарахти яхши кўкаргани ва аҳолининг қадимдан шундай манзилларда истикомат қилиб келганлигини аниқлатади.

■ Газетанинг навбатдаги сони 2014 йил 1 сентябрь, душанба кунини чоп этилади.



Дрон уриб туширилди

Эрон қуролли қучлари мамлакат ҳаво ҳудудини қосиб ўтган Исроил дронини уриб туширган.



Эрон Инқилоб посбонлари гвардияси баёнотида кўра,

«жосус дрон» мамлакат марказида жойлашган Натанздаги урани бойитиш иншоотига яқинлашишга уринган. Бу иншоот Эроннинг энг муҳим объектларидан бири ҳисобланади. Урани юқори даражада бойитишда қўлланиладиган центрифугаларнинг асосий қисми шу ерга ўрнатилган. Исроил расмийлари бу борада ҳозирча ҳеч қандай изоҳ бергани йўқ.

Фавқулудда ҳолат

Зилзила оқибатида АҚШнинг Калифорния штатида фавқулудда ҳолат эълон қилинди.

Штат шимолида яқшанба кунини оз берган 6 баллга яқин магнитудали зилзила автомобиль йўллари, кўприклар, йўлақларга шикаст етказди. Ер силкиниши оқибатида айрим уйлар вайрон бўлган,

баъзи жойларда ёнғин келиб чиққан. Ўнлаб киши тан жароҳати олган.

Кузатувларга кўра, зилзила маркази Калифорния штатидаги Напа шаҳри яқинида қайд этилган.

Хавфли ҳудуд кенгаймоқда

Эбола безгагининг тарқалиш ҳудуди янада кенгайди.



Энди касаллик Фарбий Африкадан Марказий Африка томон силжиди. Конго демократик республикасида Эбола вирусини юқтирган икки нафар бемор ҳаётдан кўз юмди.

Экватор музофотида мазкур безгакка ўхшаш белгилар билан 13 нафар киши вафот этган. Ҳозирда мазкур ҳудуд 100 км. радиусда ажратиб қўйилди. Жаҳон солиқини сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, Фарбий Африкада 2615 нафар киши безгакни юқтирган. 1427 нафар киши эса мазкур касаллик оқибатида кўз юмган. Хавфли хасталик Европага ҳам етиб келган. Сьерра-Леонадан қайтган шахс Британиядаги шифохонада даволанмоқда.

■ Интернет материаллари асосида Н. АСЛОН тайёрлади.

КОМИССИЯЛАР ФАОЛИЯТИДАН

Покиза ҳовлида хосият кўп бўлади

< [1]

— Худудимиздаги барча маҳалла фуқаролар йигинларида энг улуг, энг азиз айёмимиз — Мустақиллик байрамига тайёргарлик кўриш жараёнида ён-атроф тоза-озодлигига алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Навоий шаҳар бўлини маси раиси Олим Бердиев. — Бу ҳалқимизнинг истиқлол байрамиди, шу қўлтуғ санани муносиб қутиб олишга иштиёқи баландлигини кўрсатади.

«Баҳор» маҳалласида ойлик давомидида мавжуд 24 та кўп қаватли уйларнинг ҳовлисида, кўчалар, муассаса ва ташкилотларда ободонлаштириш ишлари бажарилди. Уйларнинг йўлақлари таъмирланиб, 950 та дарахта ишлов берилди, 650 метрга яқин бетон ариқ тозаланди.

— Ободонлаштириш ишлари тўғрисида маҳалламиз чирой очмоқда, — дейди йигин ҳузуридаги Экология ва табиати муҳофазат қилиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича комиссия раиси Йўлдош Шодмонов. — Кўп қаватли уйлар атрофида замонавий болалар майдончалари қурилаётганидан барча мамнун. Бу ёшларнинг бўш вақтлари мазмунли ўтказиш, уларни соғлом турмуш тарзига жалб этиш, шу асосда саломатлиги ва маънавиятини юксалтиришга хизмат қилади.

Йўлдош ақанинг таъкидлашича, кўп қаватли уйларнинг йўлақлари тозаланиши, лифтларнинг бениқсон ишлаши, чиқиндиҳоналарнинг аҳо-



ли жамоатчилик назоратида олинган. Маҳаллада аҳоли турмуш маданиятини юксалтиришда ҳам ибратли ишлар олиб борилаётди. Ойлар ўртасида тиббий, ҳуқуқий, экологик билимларни кенг тарғиб қилиш мақсадида турли маданий-маърифий тадбирлар, «Намунали уй», «Намунали йўлак» кўрик-танловлари мунтазам ўтказиб келинмоқда.

— Ҳар ҳафта шанба ва яқшанба кунлари аҳоли ҳудудни ободонлаштириш ишларига жалб этилаётди, — дейди маҳалла фуқаролар йигини раиси Рустам Гафоров. — На-тижада кўчалар ва уйлар атрофини тоза сақлашга эришилмоқда. Куз-

ги-қишқи мавсумга тайёргарликни бошлаб, иситиш ва оқова сув тармоқларини тўлиқ таъмирладик. Энг асосийси, бу хайрли ишларга ҳар бир маҳалладошимиз ўз хоҳиш-иродаси, дил амри билан бош қўшаётди.

Халқимизда: «Сариштали уй — фаршталли уй», деган нақл бор. Покиза жойнинг хосияти бўлади. Шу боис ота-боболаримиз азалдан ўз юртини обод қилиш, ҳовлисини, маҳалласини тоза сақлашга алоҳида эътибор қаратган. Шунингдек, тоза-озода, тинч-осойишта, одамлари аҳил-иноқ макондан қут-баракат аримайди. Қўнғилларда бугунги кундан мамнунлик, эртанги кунга умиду ишонч яшайди.

«ФАРОВОНПИК»
ПУЛ-БУЮМ ЮТУҚЛИ, ТИРАЖЛИ ЛОТЕРЕЯСИ

2014 йил 20 — 21 ДЕКАБРЬ КУНЛАРИ
Тошкент шаҳрида
ўтказиладиган ютуқлар тиражида ўз омадингизни синаб кўринг.

10 дона Chevrolet
10 дона KIA
10 дона KIA
5 дона трактор
5 дона трактор
1725 дона телевизор
625 дона машина
625 дона телевизор
1113 735 та пул ютуқлари
625 дона телевизор

ХАЛҚ ФАРОВОНПИГИ — ФАОЛИЯТИМИЗ МЕЗОНИ!
ПОТЕРЕЯ БИЛЕТНИНГ НАРХИ — 5 000 СЎМ.

☎ (+99871) 273-03-04
WWW.AGROBANK.UZ

Банкнинг вилоят бошқармалари телефон рақамлари:

| | | |
|--|-------------------------------------|--------------------------------------|
| Корақалпоғистон Республикаси (8-361) 222-16-77 | Қашқадарё вилояти (8-375) 771-15-60 | Сурхондарё вилояти (8-376) 770-81-48 |
| Андижон вилояти (8-374) 228-46-20 | Наманган вилояти (8-369) 223-19-32 | Сирдарё вилояти (8-367) 221-01-50 |
| Бухоро вилояти (8-365) 223-85-53 | Навоий вилояти (8-436) 770-35-49 | Фарғона вилояти (8-373) 244-08-41 |
| Жиззах вилояти (8-372) 226-25-33 | Самарқанд вилояти (8-366) 229-34-73 | Хоразм вилояти (8-362) 770-57-00 |

Ютуқлар тасодифий аниқлаш тамойили асосида махсус лотерея жиҳозларидан фойдаланган ҳолда аниқланади. 100 000 сўмгача бўлган ютуқлар 1 банк иш кунинда, 100 000 сўмдан юқори бўлган ютуқлар, билетларнинг экспертиза хулосаси олинган кундан бошлаб, 1 ой ичида берилди. Ютуқли билетлар тираж ўтказилган санадан бошлаб, 100 кун давомида тўловга қабул қилинади ва ушбу муддатдан сўнг ўз кучини йўқотган, деб ҳисобланади. Балоғат ёшига етмаганларга лотереяда иштирок этишга йўл қўйилмайди.

ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.

Мукофот муборак!

«Мехнат шuhrати» ордени билан

Оманова Одинахон — Олтинкул туманидаги «Айшахоним» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Андижон вилояти

Расулова Мухаррам Нурматовна — Олмазор туманидаги «Ачаобод» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Тошкент шаҳри

«Шухрат» медали билан

Абдуллаева Ўғилжон Жуманиёзона — Қўشقўпри туманидаги «Уртаёп» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Хоразм вилояти

Алланазарова Норжон Жуманозоровна — «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг Мирзо Улуғбек тумани бўлинмаси раиси, Тошкент шаҳри

Аметова Тамара Аяповна — Шуманай туманидаги «Бирлешик» овул фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Амирова Новбахор Ҳамроқуллова — Оқдарё туманидаги «Бошдархон» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Самарқанд вилояти

Байкельдиева Майрам Нуралиевна — Термиз шаҳридаги «Турон» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Сурхондарё вилояти

Бегматова Марҳамат Нурматовна — Янгибод туманидаги «Пучғоғи» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Жиззах вилояти

Бердиқуллова Момосулов Уроловна — Чироқчи туманидаги «Чироқчи» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Қашқадарё вилояти

Дониёрова Олтин Чориевна — Касби туманидаги «Касби» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Қашқадарё вилояти

Жураева Гулзода Пўлотовна — Олот туманидаги «Опшок» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Бухоро вилояти

Мирзасаидова Дильшод — Паркент туманидаги «Марказий» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Тошкент вилояти

Рузиматова Мукаддасхон Хусанбаевна — Учқўрғон туманидаги «Маданият» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Наманган вилояти

Рузиева Раҳимажон Аллабергановна — Шовот туманидаги «Роят» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Хоразм вилояти

Сайидов Собир Тохирович — Беширик туманидаги «Товул» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси, Фарғона вилояти

Санокуллова Дилбар Жўраевна — Оҳангрон туманидаги «Гулистон» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Тошкент вилояти

Турдиқуллова Хосиятой Марифалиевна — Данғара туманидаги «Санам» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси, Фарғона вилояти

Усманова Мунира Сайдахмедовна — Яққасарой туманидаги «Ўрикзор» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Тошкент шаҳри

Хайдарова Бусара Касимовна — Мингбулоқ туманидаги «Қозоқовул» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Наманган вилояти

Хайдарова Инобат Холмуминовна — Нуробод туманидаги «Нурбулоқ» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Самарқанд вилояти

Абдуллаев Болтабай Ражабович — Хоразм вилояти Урганч тумани маҳалла фуқаролар йиғини «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси раҳбари

Жамбиллов Хуснидин Турапович — Тошкент шаҳар Олмазор тумани маҳалла фуқаролар йиғини «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси раҳбари

Муродов Изатулло Олтиевич — Қашқадарё вилояти Қарши тумани маҳалла фуқаролар йиғини «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси раҳбари

Давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланган фуқаролар узини узи бошқариш органлари мутасаддиларини самимий муборакбод этамиз.

ҚАРОР ВА ИЖРО

Маънавият ва қадриятларга ҲАМОҲАНГ

Айрим фуқаролар йиғинлари, кўча ва хиёбонлардаги номаълум шахслар, ҳудудга мос келмайдиган атамаларни ўзгартиришга доир қондалар мамлакатимизда қонунчилик йўли билан мустақкамлаб қўйилган.



Жамшид Жўраев, Халқ депутатлари Навоий шаҳар Кенгаши депутати.

Кўплаб жой номларининг миллий маънавиятимизга мос тарзда қайта тикланишида 2011 йил 12 октябрда қабул қилинган «Географик объектларнинг номлари тўғрисида»ги қонун дастуриламал бўлмоқда. Шунингдек, жой номларини қайта кўриб чиқишда фуқаролар йиғинлари фаолиятини тартибга солувчи «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги янги таҳрирдаги қонун ҳам муҳим аҳамият касб этаётди.

МАҲАЛЛА: БУГУН ВА ЭРТАГА

Чироқчида чироқ очаётган гузарлар

Яқинда фуқаролар йиғини фаоллари ташаббуси билан яна бир савоб ишга пойдевор қўйилди. Ҳудудда неча йиллардан буюн қаровсиз ётган болалар оромгоҳини тавмирлаш мақсадида йиғин раиси туман ва вилоят ҳокимлигига мурожаат билан чиқди. Қисқа фурсатда ушбу объект капитал таъмирланиб, ишга туширилди.

Кўкдала қишлоқ фуқаролар йиғини ҳам туманининг чекка ҳудудларидан. Туман марказига бориш учун 50-60 километр йўл босишга тўғри келади. Шунинг учун барча ташвиш ва муаммолар фуқаролар йиғини зиммасида. Эътиборли жиҳати, ҳудуддаги қишлоқларда беқор одамни топмайси. Вилоят бозорларини эртанги қовун-тарвуз билан шу ерлик аҳоли таъминлайди. Шунинг орқасидан миллионлаб даромад олаётган оилалар талайгина.

Фуқаролар йиғини ташаббуси билан туман ҳокимлиги ҳамда ҳамкор ташкилотлар кўмагида қишлоқлардаги оилаларга лагими майдонлардан ер берилди. Бундан ташқари, тадбиркорлик билан шуғулланиш йўлидаги аҳолига тижорат банкларида имтиёзли кредитлар ажратилапти. Натижада янги иш ўринлари яратилмоқда.

Яқинда Кўкдала бўйлаб тарқалган хушхабар аҳолининг кайфиятини кўтарди. Ҳудудда истироҳат боғи ҳамда замонавий спорт мажмуаси қурилган. Бунинг учун 20 гектар ер

фуқаролар йиғинига борсангиз, эзгу ва хайрли ишларга гувоҳ бўласиз. Энг муҳими, аҳолининг маҳаллага ишончи тобора ортапти.



фуқаролар йиғинига борсангиз, эзгу ва хайрли ишларга гувоҳ бўласиз. Энг муҳими, аҳолининг маҳаллага ишончи тобора ортапти.

ФОНД КўМАГИДА

Эъзоз ва эҳтиром оғушида

Мустақиллигимизнинг 23 йиллик байрами арафасида кеса отахону онахонларимизнинг кўнглига шодлик улашини, кўтлуг айёми кўтаринки кайфията қаршилаб, юртимизда юз бераётган ўзгаришлардан уларни хабардор этиш мақсадида Янгибозор тумани ҳокимлиги, «Нуроний» жамғармаси ва «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлини ҳамкорлигида вилоятимизнинг диққатга сазовор жойларга саёҳат ташкил этилди.

Н. МАШАРИПОВА, «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг Янгибозор тумани бўлини маси бош мутахассиси.

Юртбошимиз раҳнамолигида олиб борилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишларининг намунаси сифатида Урганч шаҳридаги ободончиликни кўздан кечирган қарияларнинг қалби ғурурга тўлди. Хусусан, Ал-Хоразмий кўчасидаги янги иморатлар, Шовот канали қирғоқларида амалга оширилган ободончиликлар, маҳобатли иншоотлар, тураржой, савдо ва маданий-маиший хизмат объектлар уларда катта таассурот қолдирди, қўлигил қурувчиларнинг меҳнатига тасаннолар айтилди.

Йўл қуриш азалдан савоб

МАСЛАҲАТЧИ ФАОЛИЯТИДАН

Вазифа масъулияти шарафидан кам эмас



«[1]»

Худудимиз Қирғизистон Республикаси билан чегарадош. Бу, ўз навбатида, биз маслаҳатчиларга катта масъулият юклайди, чунки четдан кириб келиш эҳтимоли бўлган ҳар қандай нохушликларнинг олдини олиш, ёшлар таълим-тарбияси, хусусан, қизлар одоб-ахлоқиغا бағишланган тадбирларни мунтазам йўлга қўйиш лозим. Шу боис аниқ режа асосида иш олиб бормоқдамиз. Соғлом бола йилда маҳаллаимиздаги 630 та оиланинг ҳар бири билан яқин ҳамкорликда иш юритяптимиз.

Таъқидлаш жоизки, охириги уч йил ичида маҳаллаимиз ҳудудида оилавий ажримлар, хотин-қизлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар умуман содир этилмади, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлиги йўлидаги саъй-ҳаракатларимиз боис йўлдан адашиб, турли диний оқимлар таъсирига тушиб қолганлар йўқ. Қизларни оилага, рўзғорга тайёрлаш, хусусан, эрта турмушнинг олдини олишда муайян ютуқларга эришяптимиз. Бунда маҳаллада ўтказилаётган маънавий-маърифий тадбирларнинг, давра суҳбатларининг аҳамияти беқеъ.

Вилоятда айтин йўналишда ўн йилдан бери ишлаб келаятган фаол, жонкуяр опа-сингилларимиз талайгина. Уларнинг самарали меҳнатлари муносиб тақдирланиб, эътироф этилмоқда. Хусусан, жорий йилда вилоятда фаолият юритаётган илғор, тахрибали маслаҳатчи аёллардан 12 нафар «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруvinинг «Фахрий ёрлиғи»га сазовор бўлди.

Кувонарлиси, бу каби фидойилардан ўрнат олиб, бор билим ва маҳоратини, куч-қувватини аямаятганлар кўплаб топилди. Улардан бири Янгиқўрғон туманидаги «Зарбдор» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Зайнабхон Жураевадир.

— Ҳудудда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, миллий қадриятларимизга зид иллатларнинг олдини олиш, уларга имкон туғдирувчи сабаб ва шароит-

ларни аниқлаш ҳамда барқарор этишга қаратилган тадбирлар тизимли йўлга қўйилган, — дейди у. — Шу мақсадда жорий йилнинг ўтган даври мобайнида «Огоҳлик — давр талаби», «Ватан остонадан бошланади», «Диний ақидапарастлик ва маънавий таҳдидага қарши кураш», «Оммавий маданиятнинг зарари оқибатларини таъминлаш йўлидаги муҳим амалий ишлардан яна бири бандлик масаласидир. Айниқса, уйда ўтирган опа-сингилларимизнинг моддий манфаат келтирадиган юмуш билан шуғулланиши рўзгор тўқинлигига хизмат қилади, айрим хонадонлардаги келишмовчилик ва низоларнинг олдини олади. Шу мақсадларни кўзда тутиб ўтган олти ой давомида 17 нафар аёлни худудимизда янги ташкил этилган иссиқхоналарга ишга жойлашди. 21 нафар ўсмир қиз «Устоз — шогирд» йўналишида моҳир чеварларга бириктирилди, 3 нафар аёлга тикув машиналари олиб берилди, касаначилик асосида 6 та янги иш ўрни яратилди.

Дарҳақиқат, бугун маҳаллада фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси бошқўшмаган ишнинг ўзи йўқ. Зеро, худуддаги аҳоли, биринчи навбатда, ёшларда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ибратли миллий, диний анъаналар ҳамда урф-одатларни сақлаш ва ривожлантириш, маънавий муҳит барқарорлигини ҳамда миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатлиқни мустақкамлаш ишларини тизимли тарзда амалга ошириш маслаҳатчи фаолиятининг мақсади ҳисобланади. Ана шундай шарафли, айтин вақтда масъулияти вазифини озиқ елқасига ортиб, уни сидқидил билан адо этаётган опа-сингилларимизнинг фидойи меҳнатлари таъсирга лойиқ.

ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ

Ўз боғини кўкартирган элда кадр топади

ХУШЁР БЎЛИНГ, АЗИЗ ОДАМЛАР!

ХУШЁР БЎЛИНГ, АЗИЗ ОДАМЛАР!



Хар қуни йўлнингизни пойлаб ётарлар,
Тури қимматбахо соғва тутарлар...
Охири зўр маош таклиф ётарлар,
Опоҳ бўлинг! Улар - одам сотарлар!



< [1]

Бироқ шунча тарғибот ва тушунтириш тадбирларига қарамай, ўз билганича йўл тутиб, таниш-нотаниш воситачиларнинг найрангига чўв тушаётган, оқибатда одам савдоси қурбонига айланаётганлар ҳам орамизда топилади. Ўзга юртининг тили, маданияти, урф-одат ва қадриятларидан беҳабар айрим кишиларнинг мўмай даромад илнжиди иши, уй-жойи, яқинларини ташлаб, олисларга кетаётганини тушуниш қийин. Шу ўринда халқимизнинг: «Хар ерни қилма орзу, хар жойда бор тош-тарозу», деган турмаъно ҳикмати ёдга тушади.

Бинобарин, ноқулай меҳнат, об-ҳаво ва яшаш шароити, пала-партиш, носоғлом турмуш тарзи туйғайли соғлигини йўқотаётган, баъзан эса майиб-мажруҳ бўлиб қайтаётганларни кўрганда юқоридаги ҳикматнинг нақадар ҳаққонийлиги яна бир бор аён бўлади. Энг ёмони, иш ва яшаш жойидаги номуносиб шарт-шароит, техника ва бошқа хавфсизлик қоидаларига риоя қилмаслик оқибатида рўй бераётган мудҳиш ҳолатлар киши қалбини ларзага солади. Бу сингари ҳодисалар хар қанча ачинарли бўлмасин, айни пайтда аччиқ ҳақиқат ҳамдир.

Юртимизда ноқонуний меҳнат миграцияси ва одам савдосининг олдини олиш, аҳоли ўртасида тегинли тарғибот тадбирлари уюштириш долзарб масалалардан. «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви ва унинг жойлардаги бўлим ва бўлинмалари мажкур жараёнда фаол иштирокчига айланган.

Хусусан, Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идораларо комиссияси томонидан 2014 йил 19 февралда тасдиқланган «Хорижда ишланнинг қонуний асослари ҳамда одам савдосига қарши курашнинг мазмун-моҳиятини ёшларга

тушунтиришга қаратилган «Одам савдоси — давр муаммоси» тарғибот лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлар Режаси» ижроси юзасидан қатор ишлар амалга ошириляпти.

Шу мақсадда манфаатдор вазирилик ва идоралар вакилларидан иборат тарғибот гуруҳлари тарғиботи Фонднинг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар бўлими, туман (шаҳар) бўлинмалари масъул ходимлари бириктирилди. Ички ишлар вазирилик томонидан «Хорижда ишланнинг қонуний асослари ҳамда одам савдосига қарши курашнинг мазмун-моҳиятини ёшларга тушунтириш» мавзусида ишлаб чиқилган маъруза матнлари 1540 нафар тарғиботчига етказилди.

Одам савдоси жиноятининг мудҳиш оқибатлари ва унинг домига тушиб қолаётганлар тақдирини, ушбу иллатнинг мамлакатимиз тарихида, миллий қадриятларимиз ва маънавиятимизга кўрсатаётган салбий таъсири бўйича 3250 та маҳаллада тадбирлар ташкил этилди. Уларда 215 600 нафар ёш иштирок этди.

Юқоридагилардан ташқари, 3680 та фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида 312500 нафар ўғил-қизни жалб этган ҳолда давр аҳволига қайтиб шу ишнинг бошини тутмоқчи экани аниқланди. Бундай амалий мулоқот натижасида яқинда Ханифа хориждан қайтди. Маҳалла фуқаролар йиғини кўмагида бўш турган бинони ижарага олди. «Халқ банки» томонидан ажратилган 4 млн. 200 минг сўм кредит эвазига саргарошлик анжомларини харид қилган Ханифа тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйди. Бугун у ташкил этган гўзаллик саломи хизматидан маҳалладошлари мамнун.

ри эвазига ўз юртида ҳалол ризқ топиб юрганга, элнинг тўй-маъракаларига қатнашиб, ҳаёт завқини сурганга нима етсин!

— Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаоллари, бой ҳаётий тажрибига эга нурунийлар ва ҳамкор ташкилотлар вакиллари кўмагида жойларда хорижга ишга кетган фуқароларнинг оила аъзолари иштирокида учрашув ва тарғибот тадбирлари уюштирялмоқда, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Самарқанд вилояти Тайлоқ тумани бўлинмаси раиси вази-фасини бажарувчи М.Мавлонов. — Туман мутасаддилари иштирокида уч гуруҳга бўлинган ҳолда худудларда йиғилишлар ўтказдик. Бундай тадбирларда хорижга узоқ муддатга чиқиб кетганлар орасида содир бўлган салбий ҳолатлар, умри фожиа билан яқун топганлар ҳақидаги мисолларни аҳоли эътиборига оқиб-ошқорга ҳавола қилдик. Хусусан, хар бир тадбир ниҳоясида ана шундай шахслар тақдирини акс этган «Адашганлар қисмати» видеофильмининг намойиш этилиши йиғилганларни яқинлари ҳаёти ҳақида чуқурроқ ўйлаб кўришга, мулоҳаза юритишга чорлади.

Тумандан хорижга чиққан шахсларнинг иш жойи, бажараётган меҳнат тури, даромади, оиласи билан алоқаси таҳлил қилинмоқда. Иш жойи, меҳнат муносабатлари барқарор бўлмаган шахсларни, хусусан, хотин-қизлар ва вояга етмаганларни уйига қайтариш чоралари қрилмоқда. Бундай амалий тадбирлар мавжуд 50 та маҳалла фуқаролар йиғинининг барчасида изчил оқибатда турилиб бораётган. Аҳоли билан учрашувларга 343 нафар обрў-эътиборли меҳнат фахрийлари ва турли соҳа бўйича туман мутасаддиларининг жалб этилгани ўз самарасини бераётди.

Тайлоқ туманининг «Янги ҳаёт» маҳалласида яшовчи Ханифа (исми ўзгартирилган) хорижда 300-500 АҚШ доллари эвазига қўйналиб ишлаб юрганди. У билан суҳбатлашганда, қўлида саргарошлик хунари борлиги, имкони бўлса, қишлоғига қайтиб шу ишнинг бошини тутмоқчи экани аниқланди. Бундай амалий мулоқот натижасида яқинда Ханифа хориждан қайтди. Маҳалла фуқаролар йиғини кўмагида бўш турган бинони ижарага олди. «Халқ банки» томонидан ажратилган 4 млн. 200 минг сўм кредит эвазига саргарошлик анжомларини харид қилган Ханифа тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйди. Бугун у ташкил этган гўзаллик саломи хизматидан маҳалладошлари мамнун.

Худди шундай «Жалолобод» маҳалласида яшовчи Ш.Шеннаев автомобилларга техник хизмат кўрсатиш, «Навзандик» маҳалласидан И.Турсунмуродов телерадио созлаш, «Галаботир» маҳалласи фуқароси Т.Эшмирзаев пойабзал таъмирлаш устахонасини ишга туширди. «Катта Тайлоқ» маҳалласида истиқомат қилувчи Б.Аҳадов хунармандлик билан шуғулланмоқда.

Туман бўйича хориждан қайтиб келган фуқароларнинг 53 нафари кафолатли иш ўринлари билан таъминлангани, 49 нафари тадбиркорлик соҳасида фаолият бошлагани эътиборга молик. Хусусан, 6 нафар фуқарога ўз бизнесини йўлга қўйишлари учун банклар томонидан 27 миллион сўмдан зиёд имтиёзли кредитлар ажратилгани худудларда оилавий бизнеснинг ривожланишига ҳисса қўшиши аниқ.

Вилоятнинг Нарпай туманида ҳам бу борада олиб бориляётган профилактик чора-тадбирлар ўз натижасини бераётди.

— Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан биргаликда хориждан оиласи бағрига қайтган шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш ҳамда уларни иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратялмиз, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Самарқанд вилояти Нарпай тумани бўлинмаси раиси И.Исоқулов. — Қисқа муддатда тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш истагидаги 34 нафар фуқаронинг банкдан кредит олишига кўмаклашдик. Шунингдек, 143 нафар кишини ташкилот, корхона ва муассасалардаги бўш иш ўринларига ишга жойлаштириб, хондонларига кут-баракка киришига имконият яратдик.

Бинобарин, кимнинг қаерда, қандай шароитда ишлаши мутлақо шахсий масала. Бироқ бир қарашда шахсий масала бўлиб кўринган ана шу ҳолат кўплаб ижтимоий муаммоларни келтириб чиқаришини ҳам унутмаслигимиз лозим. Мусофирчиликдаги сарсон-саргардонлик кишининг иродасини букиб қўйиши ҳеч гап эмас. Хусусан, ҳали дунёқарши тўла шаклланиб улгурмаган ёшлар хар қандай ётғоя ва ёшқарлар таъсирига тушиб қолмаслигига ҳеч ким кафолат беролмайди. Айрим шахслар орқали четдаги енгил-елли, пала-партиш ҳаёт тарзи оқибатида турли юқумли касалликларнинг кириб келмаслигига ҳам ҳеч қандай кафолат йўқ. Шундай экан, юртдан олисда соғинчдан саргайишга, тирикчилик қайғусида соғлиқдан, иззат-нафсдан айрилишга не ҳожат?!

**ХУРМАТЛИ
ЮРТДОШЛАР!**

«АСАКА» БАНК

яқинлашиб келаётган
«Мустақиллик куни» байрами муносабати билан миллий валютадаги қуйидаги муддатли янги омонат турини таклиф этади:

«МУСТАҚИЛЛИК — 2014»

Ушбу омонат учун ҳисобланган фоизлар хар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Шу билан биргаликда, «Асака» банк миллий валютада 60 ҳамда хорижий валютада 30 турдаги қулай шартларда омонат турларини таклиф этади.

Ушбу омонат турини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин.

Мурожаат учун: «Асака» банк филиаллари телефонлари: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

| Филиаллар: | Код: | Телефон: | Филиаллар: | Код: | Телефон: |
|------------------------|------|-----------|---------------------------|------|-----------|
| Тошкент шаҳар филиали | 371 | 120-83-13 | Наманган вилоят филиали | 369 | 226-91-45 |
| Автотранспорт филиали | 371 | 120-39-95 | Навоий вилоят филиали | 436 | 770-24-09 |
| Шайхонтоҳур филиали | 371 | 140-39-36 | Зарафшон филиали | 436 | 573-18-75 |
| Юнусобод филиали | 371 | 221-80-67 | Бухоро вилоят филиали | 365 | 223-70-05 |
| Сирғали филиали | 371 | 257-44-10 | Бухоро шаҳар филиали | 365 | 770-11-27 |
| Тошкент вилоят филиали | 371 | 120-84-13 | Самарқанд вилоят филиали | 366 | 233-65-47 |
| Андижон вилоят филиали | 374 | 298-02-10 | Афросиёб филиали | 366 | 221-75-40 |
| Асака филиали | 374 | 233-15-68 | Қашқадарё вилоят филиали | 375 | 221-07-41 |
| Фарҳод филиали | 374 | 226-97-53 | Сурхондарё вилоят филиали | 376 | 770-82-12 |
| Фарғона вилоят филиали | 373 | 224-70-83 | Қорақалпоғистон филиали | 361 | 770-60-56 |
| Марғилон филиали | 373 | 237-62-23 | Хоразм вилоят филиали | 362 | 226-96-03 |
| Олтиариқ филиали | 373 | 432-10-11 | Сирдарё вилоят филиали | 367 | 225-44-03 |
| Кўқон филиали | 373 | 552-61-06 | Жиззах вилоят филиали | 372 | 226-43-11 |

«Асака» банк сармоянгни сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди.

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Сизнинг омонатларингиз:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- эгаллик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- миқдори чекланмаган!

Хизматлар лицензияланган!

АВГУСТ ОЙИ — ҲОСИЛГА ҲОШИЛ ҚЎШАДИГАН ДАВР

Дехқон тажрибаси ҳосил ривожиди синалади

< [1]

— Ҳўжалигимизнинг 16 гектар ер майдонида парваришланаётган гўза қаторларини кунига 3-4 марта кўздан кечиришни одат қилганман, — дейди миришкор. — Чунки қаторлар оралаб қанча кўп юрилса, экин ораларида ҳаво алмаши-

нуви шунча яхшиланади, бегона ўтлардан тозаланади. Қолаверса, гўза майдонининг қайси жойида ўсиш қандайлиги аниқланиб, зарур тадбирлар белгила олинади.

Ҳозир хўжалик далаларида гўзалар ривожини баравж. Пахтачилик учун бироз ноқулай келган бу йилги об-ҳаво шаро-

итида бундай натижага осонликча эришилгани йўқ. Агротехник ишлар тўғри ташкил қилинаётгани, ишчиларга яратилган қулай шарт-шароит ва энг муҳими пахтачиликда орттирилган бой тажриба кенг татбиқ этиляётгани ўз натижасини берапти. Шу пайтгача ниҳоллар 3 марта минерал ҳамда маҳаллий ўғитлар билан озиклантирилиб, «шарбат» усулида суғорилди. Фермернинг айтишича, маҳаллий ўғит гўзага озуқа бериш билан бирга сувнинг бугланишини камайтириб, намлики сақлайди, гўза ривожини тезлаштиради. Экинлар таги юмшатилиб, ўтлардан тозаланиб, зарарли ҳашаротларга қарши биологик усулда курашиляпти.

Бундан ташқари, чекананинг ўз вақтида бажариляётгани ҳосилга ҳосил қўшишда кўл келяпти. Бугунгача, экин ҳолатидан келиб чиқиб, гўзалар 2-3 мартадан чеканка қилинди.

Ҳа, далада иш қизгин. Фермер хўжалиги аъзолари мутахассислар билими ва тажрибали дехқонлар маслаҳатига таяниб, пахта йиғим-теримига пухта ҳозирлик кўрмоқдалар.

